# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 57 (610)
2022 йил 9 август,
сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

# ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ШЕРИКЛИКДАГИ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 август куни Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизнинг Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ва ўзаро манфаатли алоқалари изчил ривожланиб бормоқда. Сўнгги беш йилда улар билан ташқи савдо ҳажми 2,5 баробарга кўпайиб, 6 миллиард доллардан ошган. Юртимизда қўшни давлатлар капитали иштирокида 1 минг 700 та қўшма корхона очилган.

Йиғилишда Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид янги лойиҳа ва таклифлар кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда кичик бизнесни янада ривожлантириш мақсадида ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлиги миллий рейтингини ишлаб чиқиш тизими ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари кўриб чиқилган масалалар бўйича аниқ топшириқлар берди.

**ЎзА**

## ҚАРОР ВА ИЖРО

# Кўп квартирали уйлар ҳудудида қўшимча объект қуриш тақиқланади


**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.


**Маълум бўлишича, юртимизда фаолият олиб бораётган 772 та уй-жой мулкдорлари ширкатларининг 311 тасида муаммоли кредитор қарздорликлари мавжуд бўлиб, 2,5 мингдан зиёд кўп квартирали уйларда истиқомат қилувчи аҳолига тегишли хизматлар кўрсатилмай ёки сифатсиз кўрсатиб келиняпти. Шу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 августдаги “Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–346-сонли қарори қабул қилинди.**

Қарор билан, 2022 йил 1 сентябргача муаммоли кредит қарзи бор уй-жой мулкдорлари ширкатининг (ЖЭК) бошқарув усулини ўзгартириш бўйича умумий йиғилиш қарори қабул қилинса, улар давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Бунда муаммоли банк кредитлари бор ширкатлар банкнинг хулосаси олинган тақдирда тугатилиши мумкин. Тугатилган ёки бошқариш усули ўзгартирилган ширкатлар бошқарувидаги кўп квартирали уйларни бошқариш учун, қоида тариқасида, рейтинги юқори бўлган бошқарувчи ташкилотлар жалб қилинади. Шунингдек, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги жалб қилинган бошқарувчи ташкилот фаолиятини, хизматлар сифатини 6 ой мониторинг қилади ва кўп квартирали уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларига риоя қилмаган бошқарувчи ташкилотларга чораларни қўллайди.

2022 йил 1 ноябрдан кўп квартирали уйларни бошқаришда бир қатор янги тартиб-қоидалар қўлланилади. Хусусан:

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари бошқарув фаолиятини, улар электрон реестрга киритилгандан сўнг амалга оширади;

уйларни қуриш лойиҳа ҳужжатларида, кадастр паспортида умумий фойдаланишдаги мулк рўйхати аниқ кўрсатилади;

қурилиши тугалланган кўп квартирали уйларга рухсатнома берилганидан сўнг лойиҳа ҳужжатлари, кадастр паспорти ва мазкур рухсатномага умумий мол-мулкни камайтириш ва туташ ерда қўшимча объект қуриш учун ўзгартириш киритиш тақиқланади.

# МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТИ фойдаланишга топшириляпти


**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.


**Бунёдкорлик соҳасида бажарилиши мураккаб ва иш жараёни катта масъулият талаб этадигани йўллар ҳамда кўприксозлик бўлса керак. Чунки бу борада амалга ошириладиган ҳар бир жараён етти ўлчаб, бир кесишни талаб қилади. Кейинги йилларда мана шу йўналишда фаолият олиб бораётган ишчи-хизматчилар республикамиздан ўтувчи халқаро ҳамда ички йўллар, кўприкларни қуриш, таъмирлаш бўйича катта тажриба тўплашди.**

Юртимизнинг бошқа ҳудудлари каби тобора гуллаб-яшнаётган сирдарёликларнинг ҳам Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги арафасида яна бир орзуси ушалмоқда. Вилоят маркази, Гулистон шаҳридан ўтувчи халқаро М-34 “Тошкент–Душанбе” автомобиль йўлининг 121-километрида бунёд этилаётган кўприкда сўнгги ишлар бажариляпти. Мазкур иншоотни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги “Кўприкқурилиш” УК 67-сонли корхонанинг Равшан Қўчқоров бошчилигидаги қурувчилари ўтган йилнинг баҳорида бошлашган эди.

Замон талаби даражасидаги янги кўприкнинг баландлиги 8 метр, узунлиги эса 246 метр, эни 22 метрдан иборат. Кўприк орқали эндиликда кунига 12 мингтадан зиёд автомобиль ўтиши режалаштирилган бўлиб, объект қурилиши икки сменада ташкил қилингани ва 230 нафар кўприксоз қурувчи, 20 дан ортиқ махсус техникалар, 15 та транспорт воситалари жалб қилингани ишларни сифатли бажарилишига имкон яратмоқда.

Янги кўприкда ҳимоя панжаралари, пиёдалар йўлаги, ногиронлар учун алоҳида махсус йўлаклар ҳам бунёд этилмоқда. Бундан ташқари, 88 та тунги ёритгич чироқлар ўрнатилиб, унга алоҳида трансформатор қўйилгани йўловчи ва транспорт эгаларига янада қулайликлар яратади.

# СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ




**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.


**Аҳолининг турмуш даражасини юксалтириб бориш, соҳа ва ҳудудларни жадал ривожлантириш асосида халқимизни ўз ҳаётидан рози бўлишига эришиш юртимизда кечаётган туб ислоҳотлардан кўзланган бош мақсади ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 августдаги “Республика ҳудудларида “Business City” замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Наманган вилоятида ҳам “Янги Наманган шаҳарчаси” ишбилармонлик маркази ҳамда турар жой комплексини бунёд этиш режалаштирилган.**



“Янги Наманган шаҳарчаси” ишбилармонлик маркази ҳамда турар жой комплекси лойиҳалари.

2-бет

# ОЛОТ ТУМАНИ: КЕЧА ВА БУГУН








**Мамлакатимизнинг жанубий дарвозаларидан бири, қўшни Туркманистон Республикаси билан чегарадош Бухоро вилояти Олот тумани бугун тамомила янгича қиёфа касб этмоқда.**

Айниқса сўнгги уч йил Олот ва олотликлар ҳаётида унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Туманда ким билан мулоқотда бўлманг, улар бугунги ўзгаришлар ҳақида тўлиб, тошиб гапиради. Айниқса, барпо этилаётган Янги Ўзбекистон массиви ҳудуд аҳолисига ўзгача ғурур, ўзгача ифтихор бағишламоқда.

– Олот мамлакатимиздаги энг кичик туманлардан бири ҳисобланади, – деди меҳнат фахрийси Сайфулло Қурбонов. – Аммо салоҳияти жуда катта. Нега, Осиё қитъаси билан Европа қитъасини, аниқроғи, Шимолий, Марказий Осиё билан Жанубий Осиё ва Европа давлатларини ўзаро бир-бири билан боғлайдиган энг асосий катта магистрал йўл Олотнинг устидан ўтган. Шунинг учун йўл бўйида чиройли, манзарали экин ва дарахтлар экилган. Қолаверса, халқимиз учун маиший хизмат кўрсатадиган бинолар қурилган. Катта бозор ҳам шу йўл бўйида қурилган. Сабаб шуки, бу Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидан бири ҳисобланади. Туркманистон Республикаси билан қўшни, чегарадош давлат бўлганлиги сабабли биринчи кириб келадиган транзит техникалар, транзит юклар албатта, мана шу чегара орқали ўтади. Хориждан кириб келадиган ҳар бир меҳмон биринчи қадамини албатта, Ўзбекистоннинг Олот туманига қўяди. Олот тимсолида бутун Ўзбекистонни, Олот халқи мисолида эса ўзбек халқининг нималарга қодир эканлигини, қанақанги қудратга эга эканлигини кўради. Мана шуларни назарда тутиб, Президентимиз Олот туманига жуда катта эътибор берди. Ҳар куни бир ўзгариш, янгилик бўлмоқда. Кечаги Олотни бугунгиси билан таққослаб бўлмайди.

3-бет

# СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

1-бет

Бунинг учун Давлатобод туманининг Юксалиш ва Орзу, Тўрақўрғон туманининг Еттикон, Ибрат ва Фарасмон маҳаллалари ҳудудидан 1 минг 203 гектар ер майдони ажратилиб, 3 босқичда амалий ишларга киришилди. Биринчи босқичда "Юксалиш" массивида "Ёшлар", "Юксалиш" ва "Кушон" кичик саноат зоналари ташкил этилди. 30 гектар майдонни эгаллаган "Ёшлар" кичик саноат зонасида тадбиркорлар томонидан салкам 400 млрд сўмлик 60 та лойиҳа ишга туширилади. Бунинг натижасида 3 минг 330 та янги иш ўрни яратилади. "Юксалиш" кичик саноат зонасида эса 1,2 трлн сўмлик 96 та лойиҳа амалга оширилиб, 9 минг 355 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Шунингдек, 110 гектар майдонни эгаллаган "Кушон" кичик саноат зонасида умумий қиймати 863 млрд сўмлик 109 та лойиҳа фойдаланишга топширилгач эса, 11 минг 960 нафар аҳолини доимий бандлиги таъминланади. Бундан ташқари, ҳудудда 2 764 хонадонли 71 та кўп қаватли уйлар қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Ҳозирда бунга қўшимча тарзда яна 11 та 9 ва 16 қаватли 648 та хонадондан иборат замонавий турар жой бинолари барпо этиляпти.

– Давлатобод туманидаги "Юксалиш" массивида "Янги Наманган шаҳар" лойиҳаси доирасида мана шу ҳудудда "Ўзшаҳар қурилиш инвест" ИК буюртмаси асосида 3 та 64 хонадонли жами 192 хонадонли 16 қаватли турар жой бинолари қурилиши 2021 йил август ойида бошланган бўлиб, ҳозирда ишлар якунланиш арафасига келди, – деди қурувчи Аҳаджон Собиров. – Квартиралар асосан 95 фоиз тайёр ҳолатга келди. Мустақиллик байрами арафасида ушбу иншоотларни топширишни режа қилганмиз. Шу ҳудудда яна 2 та 16 қаватли 192 хонадонли турар жой бинолари қурилиши олиб борилмоқда. Ҳозирда асосий қурилиш-монтаж ишлари якунланган. Ушбу уйлар 15 фоиз олдиндан тўлов ва йигирма йиллик кредит шарти асосида берилади.

"Янги Наманган шаҳарчаси" қурилиши лойиҳасининг иккинчи ва учинчи босқичларида ҳам ижтимоий, маданий-маърифий объектлар бунёд этилишига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 721 та турар жойларда 50 мингдан ортиқ хонадонлар, 28 та умумий ўрта таълим мактаби, 24 та болалар боғчаси, 5 та шифохона, шунингдек, замонавий бизнес марказлари, меҳмонхоналар, олийгоҳ, кутубхона, масжид, ўнлаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қад ростлайди. Энг муҳими, бу ерда 2000 нафар аҳоли яшаши учун барча инфратузилма ва зарур ижтимоий соҳа объектларига эга бўлган йирик марказ яратилади. Бундан ташқари, 96 гектар майдонда яшил ҳудуд, 68 гектарда "Янги Ўзбекистон" боғи ташкил этилади. Бугунги кунда боғ қурилиши ҳамда манзарали дарахтларни экиш ишлари бошланган.



"Янги Наманган шаҳарчаси" ишбилармонлик маркази ҳамда турар жой комплекси лойиҳалари.



– Лойиҳани амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 мартдаги 160-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорга асосан мазкур шаҳарча ҳамда "Янги Ўзбекистон" боғини барпо этиш ишлари бошланди, – деди "Янги Наманган шаҳарчаси" замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш" дирекцияси директори Адҳамжон Раҳмонов. – Бугунги кунда лойиҳанинг икки босқичдаги 272 гектар ер майдонида қурилиш ишларини бошлаш режалаштирилган бўлиб, ушбу ҳудуднинг батафсил режалаштириш лойиҳаси "ТошкентбошпланЛИТИ" ДУК томонидан ишлаб чиқилди. Қурилиш ишлари амалга ошириладиган ҳудудларни электрон онлайн аукцион савдога чиқариш ишлари бошланмоқда. Лойиҳада иштирок этиш истагида бўлган тадбиркорларга концепциямизни тақдим этяпмиз. Бугунги кунга қадар мазкур лойиҳада иштирок этиш истагини билдирган маҳаллий инвесторлар билан бирга хорижий инвесторлар ҳам бор. Буларга мисол қилиб Хитой Халқ Республикаси, Покистон Ислом Республикаси ҳамда Корея Республикаларининг бир қатор компанияларини келтиришимиз мумкин. Шаҳарчамизга кираверишдаги 68 гектар ер майдонида "Янги Ўзбекистон" боғи барпо этилиши режалаштирилган. Марказий майдонда амфитеатр, стелла, кўл ҳамда бошқа кўнгилочар объектлар қуриш режалаштирилган. Наманган гуллар шаҳри бўлгани учун боғ концепцияси юқоридан қараганда гул шаклида бўлади ҳамда кўл бўйларида кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар дам олиш масканлари, аттракционлар қурилади.

Айни пайтда "Янги Наманган шаҳарчаси"нинг иккинчи босқичи барпо этиладиган ҳудуднинг узунлиги 3,2 километр бўлган марказий кўчасида йўл созлаш ишларига киришилди.

– "Янги Наманган шаҳарчаси" лойиҳасида жами йўлнинг узунлиги 3 минг 175 метр бўлиб, шундан 27 метр қатнов қисми, 3 метри велойўлак, яна 3 метри пиёдалар учун мўлжалланган йўлни ташкил этади, шундан 2 километр 100 метрга темир-бетон ўрнатилди, – деди иш бошқарувчи Илҳомжон Мирзаев. – 50 нафар ишчи ҳамда 10 та техника воситалари, жумладан, самосвал, грейдер, катоклар жалб этилган. Йўлнинг қатнов қисмига ҳозирда шағал ётқизилиб, қотганидан сўнг бетон қўйишга тайёрлаяпмиз. Тунги ёриткич чироқлари, лотокларни ўрнатиб бўлсак, бетон қўйиш ишларини бошлаймиз.

Туркия компаниясининг Бош режасига асосан қурилиш жараёнлари амалга ошириладиган "Янги Наманган шаҳарчаси"да саноат корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш орқали бюджетга қўшимча тушумлар келишига, шунингдек, қурилиш соҳасидаги хорижий ва маҳаллий етакчи компанияларни жалб этиш орқали вилоятга киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ўсишига эришиш кўзда тутилган. Бугунги кунга қадар шаҳарча ҳудудида турар жой ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш таклифини билдирган 100 дан ортиқ талабгорлар орасида йирик хорижий компанияларнинг ҳам борлиги қувонарли албатта. Лойиҳа доирасида Давлатобод тумани ҳудудида жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда "Хавфсиз ҳудуд" комплекс дастурини амалга ошириш ҳам режалаштирилган.

– Бугунги кунда Давлатобод туманида кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилмоқда, – деди Давлатобод тумани ҳокими ўринбосари Муроджон Неъматов. – Жорий йилда Инвестиция дастури доирасида ижтимоий соҳа объектларини реконструкция қилиш ҳамда янги объектларни қуриш ишлари олиб бориляпти. Шундан, Инвестиция дастурига мувофиқ, 63 млрд, бундан ташқари, "Обод маҳалла" ҳамда "Обод қишлоқ" дастури асосида 1 та Оилавий поликлиникани реконструкция қилиш, 1 та мактабга қўшимча 420 ўринли бино қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш ва яна 1 та мактабгача таълим объектида реконструкция ишларини олиб бориш режалаштирилган. Бундан ташқари, туманимизда бугунги кунда 15 километрга яқин йўлларни бетонлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозиргача 2 километр йўл созланди. Туманда 23 та кўп қаватли уйларнинг қурилиши бошланган бўлиб, шундан 5 таси 16 қаватли, 4 таси 15 қаватли, 9 қават ҳамда 7 қаватдан иборат. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам аниқ режаларни белгилаб олганмиз. Эскирган қувурларни алмаштириш асосида аҳоли билан биргаликда ҳашар йўли орқали материалларни давлат бюджети ҳисобидан олиб, траншея кавлаш ҳамда ётқизиш ишларини олиб боряпмиз. Шу билан бирга ижтимоий соҳа йўналиши бўйича "Юксалиш" массивида ёшларнинг олий таълим муассасаларига кириши учун Давлат тест маркази биноси, "Порлоқ" МФЙ ҳудудида эса "Баркамол авлод" болалар спорт базаси қурилмоқда.

Маълумот беришга улгурганларимиз "Янги Наманган шаҳарчаси" ҳаётидаги беқиёс ўзгаришлардан бир шингил ҳикоя холос. Янгиланишлар жараёни, одамларнинг қувончу шукроналиги бир қанча суҳбатларга мавзу бўлгулик даражада, аслида. Бундай эзгу ва хайрли ишлар шубҳасиз, мамлакатимизда сўз ва иш бирлигининг яна бир амалий ифодасидир.

## Мактабгача таълим ташкилоти яна биттага кўпайди

**Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги Уюрчи дамкўл маҳалласи ҳудудида янгидан бунёд этилган 57-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.**

Ушбу маскан вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан маҳаллий бюджет ҳисобига қайта қурилиб, янги бинони жиҳозлаш ишлари бажарилди. Бунинг учун 3 миллиард 650 миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада 50 ўринли эски, мослашган боғча ўрнида, мактабгача таълим ташкилотининг 90 ўринга мўлжалланган замонавий янги биноси қад ростлади. Энг асосийси, ҳудудда яшовчи 3-7 ёшли болалар қамрови тўлиқ 100 фоизга етказилди.

Эътироф этиш жоизки, ҳар қайси мамлакатнинг ривожи, эртанги истиқболи шак-шубҳасиз бугунги кундаги таълим-тарбиянинг сифат ва самарадорлигига чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, юртимизда таълимнинг барча босқичларига, айниқса, мактабгача таълимга кўрсатилаётган ғамхўрликлар айни шу хайрли мақсадларнинг ёрқин ифодасидир.

2016 йилгача Наманган вилоятида қамров 25 фоизгача ҳам етмаган бўлса, бугунга келиб мазкур кўрсаткич қарийб 80 фоизга етди. Янги Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида нафақат вилоят марказида, балки чекка ва олис қишлоқларда ҳам жаҳон стандартларига жавоб берувчи замонавий боғчалар қурилмоқда.

Кейинги йилларда маҳаллий ҳокимликларга бюджетдан ортирилган маблағлар ҳисобига аҳоли талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда зарур объектларни қуриш, шунингдек, сув таъминотини намунали ташкиллаштириш, йўллар сифатини яхшилаш, ободонлаштириш ва қурилиш ишларини амалга оширишга имконият яратиб берилди. Яъни мазкур йўналишдаги "Ташаббусли бюджет" лойиҳалари дастурига кўра, аҳоли ўртасида талаб ва эҳтиёжлар ўрганилиб, ҳудудларда шифохоналар, мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар ва бошқа зарур иншоотлар барпо қилиш учун вилоятга 88 миллиард сўм маблағ ажратиб берилди.

Уюрчи дамкўл маҳалласи Мингбулоқнинг энг чекка ҳудуди, туман марказига қадар орадаги масофа қарийб 20 километрни ташкил этади. Айни кунга қадар эса, маҳалла аҳлини, биринчи навбатда, боғча масаласи ўйлантириб келаётган эди. Эндиликда нуронийлар, ота-оналарнинг қувончлари чексиз, дея хабар беради ЎзА мухбири Оқилхон Дадабоев.

Янги болалар боғчасининг тантанали очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шавкат Абдураззоқов иштирок этди.

## Уйлар таъмирланяпти

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими томонидан шу кунгача 488 та кўп қаватли уй-жойлардан 403 таси мукаммал таъмирланди. Таъмирталаб бўлган 85 та уйларда эса дастур асосида ишлар амалга оширилмоқда.**

Бугунги кунда "Обод қишлоқ" дастури доирасида Пахтакор маҳалласининг Ф. Хўжаев, А. Навоий кўчаларида жойлашган кўп қаватли уйларнинг том ва фасад қисмларида таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Бундан ташқари, туманнинг Боғишамол маҳалласи Э. Холматов, Ўзбекистон кўчаларида жойлашган уйларнинг том қисми ва ички йўлакларида шағал ётқизиш, бетонлаштириш ишлари ҳам жадал суръатларда кетяпти.

## Қандай уй олсам экан?

**Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистонда 60,3 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Бу рақамлар қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,2 фоизга ошганидан далолат беради.**

Демак, қурилиш ҳажмининг ортиши табиий равишда соҳада бошқа масалаларнинг юзага чиқишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, бугун уй олмоқчи бўлган кишида кенг танлаш имконияти мавжуд. Замонавий, осмонўпар, инновацион, ҳаттоки "ақлли уйлар" ҳам харидорларга мунтазир. Аммо шунга қарамай, кўпчилигимиз "Қандай уй олсам экан?" дея ўйланиб қолишимиз ҳам бор гап. Чунки йиллаб орзу қилиб етишган хонадони сифатли, чиройли ва албатта, қонуний тарзда қурилишини ким ҳам истамайди, дейсиз.

Бугун Қурилиш вазирлиги тизимида "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими фаолият юритаётганидан хабарингиз бор. Ушбу тизим ёрдамида бир қатор платформалар яратилиб, аҳолига янада қулай имкониятлар берилмоқда. Бу тизим ёрдамида эндиликда қонуний равишда олиб борилаётган сифатли қурилишлар ҳақида бемалол маълумот олиш имкони мавжуд.

Хўш, қурилиши ҳали битмаган ёки умуман бошланмаган уйлардан квартира сотиб олишда нималарга эътибор бериш керак?

Энг аввало, уй сотиб олаётган фуқаро уйни Қурилиш вазирлигининг электрон платформасидан рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлигини текшириши керак. Бунинг учун фуқаро mc.uz/ulushdor/ ҳаволаси орқали кириб, қурилаётган уйнинг рўйхатдан ўтганлигини текшириши лозим. Бу ҳавола орқали ҳамма учун очиқ бўлган мажмуа ва қурувчи ташкилот номи манзили ҳамда бошқа маълумотларни олиш мумкин.

Қурилиш ташкилотлари қай тартибда рўйхатдан ўтказилади?

Қурилиш ташкилоти қурилаётган уйнинг маълумотларини электрон тартибда платформага юклайди ва ваколатли органнинг масъул ходими маълумотларни кўриб чиқади ҳамда 3 иш кунида рўйхатдан ўтказилади. Агар барча ҳужжатлари тўлиқ бўлса, бир кунда кўриб чиқилиб, рўйхатдан ўтказиш имкони ҳам мавжуд. Бунда қурувчининг қарорда белгиланган тартибда қурилишни бошлашига асос бўлувчи ва бешта талабга жавоб бериши керак бўлган ҳужжатлари жойлаштирилади.

Ушбу қарорга асосан ташкил этилган электрон платформа кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш бозорини тартибга солиш, уй харид қилаётган фуқароларни максимал даражада рисклардан ҳимоялаш мақсадида ишга туширилган. Рўйхатдан ўтган қурилиш ташкилотлари юқорида кўрсатилган талабларга асосан қурилиш жараёнини олиб бораётган бўлади.

Энг муҳими, фуқаролар маблағларини қурилиш ишларига жалб қилаётган қурилиш ташкилотлари электрон платформа рўйхатидан ўтиши шарт! Рўйхатдан ўтмасдан туриб қурилиш ишларига фуқароларнинг маблағларини жалб қилиш мумкин эмас! Электрон платформадан рўйхатдан ўтмаган қурилиш ташкилотлари, ўзлари қураётган кўп қаватли турар жой мажмуасини реклама қилиши ҳамда улушдорнинг маблағларини қурилишга жалб қилиши тақиқланади.

Бундан ташқари, қурилиш ишлари тугалланган уйлар эгаларига топширилгандан кейин камида 2 йил давомида қурилиш объекти эксплуатациясининг кафолат муддатини амалга ошириб бориши лозим.

Қарорга асосан, улушдор фуқаролар қуйидагиларга:

қурилиш объектидаги қурилиш ишлари ҳолати билан танишишга;

шартнома шартлари бажарилиши бўйича қурувчидан ёзма шаклда маълумот талаб қилишга;

қурилиш объектларини қуриш устидан техник, шунингдек, маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахсларни ёки мутахассисларни жалб қилиш орқали амалга оширишга ҳақлидирлар.

Қурилиш устидан давлат назорати Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан амалга ошириб борилади.

**Ўз мухбиримиз.**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-843.
1859 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 22.35.
Топширилди – 23.15.

1 2 3 4 5 6

# Маҳаллалар – юртимиз таянчи ва истиқболи

**Самарқанд вилоятида айни пайтда 1 126 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатиб келмоқда. У ердаги фаолларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ҳудудда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар кейинги йилларда кескин камайган. Шунингдек, оилавий жанжал ва ажралишлар сони беш йил аввалгиси билан таққосланганда 47 фоизга камайиб, ўнлаб маҳаллаларда кичик цехлар, ишлаб чиқариш корхоналари қурилиб, ишга туширилиши ҳисобига ишсизлик муаммоси 64 фоизга қисқаргани маҳалла институти тизимининг қандай кучга эканлигини кўрсатяпти.**

Жорий йилнинг бошида вилоятдаги мавжуд маҳаллаларда амалга оширилган ижобий ишлар таҳлил қилиниб, шаклланган кўплаб ютуқларни бошқа вилоятларга ҳам оммалаштириш баробарида уларнинг моддий-техник базаси кўриб чиқилди ва 86 таси ўз биносига эга эмаслиги, 40 та маҳалла эса бир хонали, 171 та маҳалла икки хонали бинода фаолият олиб бораётгани қайд этилди. Шу жумладан, яна бир қатор маҳаллаларда етарли шароитлар мавжуд эмаслиги бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди ва маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомийлик ёрдамлари, шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 2022 йили вилоят бўйича 194 та маҳалла учун янги бино қуриш режалаштирилди.

Самарқанд вилояти маҳалла ва нуронийлар-ни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Исроил Жабборовнинг айтишича, май-июнь ойларида маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайлови ўтказилиб, аҳоли томонидан энг муносиб етакчилар оқсоқолликка сайланди. Жойларда замон талабидаги маҳалла биноларини бунёд этиш учун зарур маблағ ажратилиб, ҳомийлар топилди, аҳоли ҳам бу борада кўплаб ташаббуслар кўрсатишди. Бу ҳаракатлар самараси туфайли шу кунгача вилоятда юздан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Масалан, Самарқанд шаҳрида 11 та, Нарпай туманида 10 та, Ургутда 9 та, Қўшработда 8 та маҳалла фуқаролар йиғини замонавий типда қурилган ва барча жиҳозларга эга бўлган биноларда иш бошлади.

Каттақўрғон туманидаги "Жавлон" маҳалла фуқаролар йиғини учун қурилган бино эса вилоятдаги юзинчиси бўлди. Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги арафасида яна 36 та, сентябрь-октябрь ойларида эса 70 та маҳалла бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилиши мўлжалланган, уларда асосий ишлар бажарилган ва пардозлаш, ён-атрофини ободонлаштиришга киришилган.

Айтиш керакки, бугунги кунда фуқароларнинг маҳаллага муносабати тубдан ўзгарди. Чунки ҳукуматимизнинг эътибори туфайли маҳалла идораларида ишлаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайиб, масъулияти янада ошди. Шу сабабли фуқаролар кўплаб масалаларда энг аввало маҳаллага келиб, аксариятини шу ернинг ўзида ҳал қилишяпти.

**Ўз мухбиримиз.**

# Осмон билан бўйлашаётган иншоот

**Элёр ҲАЙДАРОВ,**
журналист.

**Амир Темур бобомиз барпо этган Оқсарой пештоқига, "Кимлигимизни билмоқчи бўлсангиз, биз қурган иморатларга боқинг" деб ёзилган. Ҳақиқатан ҳам ота-боболаримиз бунёд этган муҳташам иморатлар ҳали ҳамон дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда.**

Ҳозирда Ўзбекистонда қад ростлаётган бир қанча иншоотлар ҳам нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёда ҳам бетакрор. Пойтахтимизда қурилиши давом этаётган "Nest One" ана шундай иншоотлардан бири. У тўлиқ битса. Ўрта Осиёдаги энг баланд бино бўлади. Бунгача эса Қозоғиситоннинг "Зумрадли квартал"и 201 метр баландлик билан биринчи бўлиб келган. Ўзбекистонда эса ҳозирги қад ростлаётганидан олдин Миллий банк биноси (108 метр) энг баланди бўлган.

"Nest One" юртимиздаги пешқадам қурилиш ташкилотларидан бири ҳисобланган "Murod Building" компанияси томонидан йилнинг охиригача қуриб битказилиб, келаси йилнинг дастлабки олти ойида пардозлаш ишлари якунланади ва замонавий турар жой эгаларига топширилади. Эллик бир қаватдан иборат ушбу иншоотда тренажёр зал, савдо маркази, турли ташкилот офислари ҳам жойлашади. Бундан ташқари, компания масъул мутахассисининг айтишича, мазкур турар жой мажмуасига 746 та оила бемалол жойлашади. Қурилаётган бундай бинолар юртимиз кўрки ва аҳоли турмуш даражасини ошириш учун хизмат қилади.



# ОЛОТ ТУМАНИ: КЕЧА ВА БУГУН

1-бет

Дарҳақиқат тумандаги ўзгаришлар кишининг ҳавасини келтиради. Олот туманида икки йил ичида шундай бунёдкорлик ишлари амалга оширилади, аҳолининг турмуш фаровонлиги яхшиланади, деса кўпчилик ишонмаган бўлиши табиий. Аммо қисқа фурсат ичида шахсан давлатимиз раҳбари эътибори натижасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

– Бундан уч йил аввал келган одамлар Олотга келиб танимай қолмоқда, – дейди Олот тумани ҳокими Наргиза Неъматова. – Олотдаги бунёдкорликларнинг ғоя муаллифи давлат раҳбари ҳисобланади. Ҳали бу бошланиши. Қурилишлар, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Тўғрисини айтганда, туманда кинотеатр, маданият саройи, кутубхона бўлмаган. Ижтимоий соҳа объектларининг аҳволи ачинарли эди. Фақат Президентимиз танқид қилганларидек, пахта деб юрганмиз. Худога шукр, давлатимиз раҳбари эътибори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2020-2022 йилларда Бухоро вилоятининг Олот туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида туманни ҳар томонлама ривожлантиришга уч йил ичида 2 триллион 711 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Президентимизнинг "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, Олот туманида жами 300 та кўп қаватли квартиралар қурилиши белгиланган эди. Қишлоқ қурилиш инвест буюртмаси билан 2020 йилда 5 та 5 қаватли 200 хонадонга, 2021 йилда 5 та 5 қаватли 100 хонадонга мўлжалланган 2 ва 3 хонали уй-жойлар қурилди. Натижада 300 та оила Халифа маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Янги Ўзбекистон массивида янги хонадонга эга бўлди. Ҳозирги вақтда ушбу ҳудудда яна 20 та 5 қаватли 300 хонадонли уй-жойларнинг барчасида қурилиш ишлари давом этмоқда. Уй қурилди, дегани яшаш учун имконият пайдо бўлди, дегани эмас. Албатта, бу массивда 1,3 километр электр таъминоти, 400 метр газ, 1,6 километр йўл, 2,3 километр канализация, 1 километрга яқин оқова сув тармоқлари ҳам тортилди.



– Давлат раҳбари томонидан ёлғиз оналарга кўплаб имкониятлар берилди, – деди Зайнура Ҳасанова. – Шу жумладан, арзонлаштирилган уй-жойлар бизга ҳам насиб қилди. Уйимизда барча шароит яратилган. Бундан жуда хурсандман. 2 нафар фарзандим билан яшаяпман. Бунинг учун Юртбошимга раҳмат айтамиз. Келажакда фарзандларимни ҳам ўқитиб элимизга, юртимизга хизмат қиладиган инсонлар қилиб тарбиялайман.

– Мустақилликдан кейин Олот тумани қандай қиёфа касб этди-ю, кейинги беш йилда қанчалик ўзгаришлар бўлди, – деди ёзувчи Абдунаби Ҳамро. – Қайси мамлакатки, иқтисодий жиҳатдан бақувват, сиёсий жиҳатдан етук, халқ билан ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлса ўша ерда буюк, улуғ бунёдкорлик ишлари амалга ошади. Халқнинг бунёдкорлик, яратувчанлик руҳи жўш урди. Юртбошимизнинг ташаббускорлиги, халқ билан якдиллиги, ҳамфикрлиги бу ишлар самарадорлигига муҳим омил бўлди.

Янги массивдаги давлат хизматлари маркази фаолиятидан аҳоли жуда мамнун. Бу ерда жисмоний ва юридик шахсларнинг муаммолари ва мурожаатларини ҳал этилишига кўмаклашилмоқда. Тадбиркорлар қўллаб-қувватланмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий манфаатлари тўла ҳимоя қилинаётир. Албатта бундай шароит ҳам олотликларнинг фаровон турмуши кафолати, десак асло муболаға эмас.

– Олот туман Адлия бўлимининг замонавий биносида турибмиз, – дейди Олот тумани Адлия бўлими бошлиғи Ифтихор Эргашев. – Биринчи қаватда туман давлат хизматлари маркази, иккинчи қаватда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи, учинчи қаватда юридик хизмат кўрсатиш маркази ҳамда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уни қўллаш амалиётини ўрганиш бўлинмаси жойлашган. Мана шу бинода аҳоли давлат хизматларидан фойдаланиши учун барча имконият яратилган.

Янги массивдаги маданият ва маънавият масканида нафақат маънавий озуқа олиш, балки маданий меросимизни кенг тарғиб қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни кўриб завқланади киши. Бошланган эзгу саъй-ҳаракатлар ортидан аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшилмоқда.

– Давлат раҳбарининг қарорига кўра, республикада 16 та ҳунармандчилик кластерлари ташкил этилган, – деди каштачилик кластери раҳбари Лола Мухутова ЎзА мухбири Зариф Комилов билан суҳбатда. – Асосан хотин-қизлар фаолият юритадиган кластерлардан биттаси Олот туманида ташкил этилган. Бугунги кунда туманда 150 нафар хотин-қизлар миллий ҳунармандчилигимизнинг каштачилик йўналишида фаолият кўрсатади. Бу ерда янги ташкил этилган Маънавият масканида ҳам айни пайтда 40 нафар хотин-қизларимиз доимий фаолият юритади. Улар учун барча шароитлар яратилган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизни нафақат ички бозорда балки, Туркия, АҚШ, Япония давлатларига ҳам экспорт қилмоқдамиз. 3-4 йил олдин бундай шароитларни фақат орзу қилардик. Фақат пойтахтда ёки шаҳарларда, вилоят марказларида кўрардик. Бугун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан энг чекка ҳудуд Олотда ҳам энг зўр шароитлар яратилмоқда.

Олотда мактабгача таълим ташкилотлари қамрови айни пайтга келиб 70 фоиздан ошди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич бундан уч йил олдин 7 фоизни ташкил қилган. Бундай эътибор ва рағбат ҳам кишиларни эртанги кунга бўлган ишончини оширмоқда. Айниқса, Янги массивда ижтимоий соҳа объектлари қурилишига бўлган эътиборни кўриб, олотликларнинг шижоати янада жўш урмоқда.

Ҳудудий инвестиция лойиҳаларига қўшимча равишда шакллантирилган "Парвоз Қурувчи" МЧЖ томонидан умумий қиймати 1,5 миллион АҚШ долларни ташкил қилган "Тикувчилик-тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси асосида бугунги кунда бино-иншоотлари тўлиқ тикланган. 160 дан ортиқ тикув асбоб-ускуналари келтирилиб ўрнатилган мажмуа яқин кунларда иш бошлайди. Лойиҳа амалга оширилганда 400 дан ортиқ киши иш билан таъминланади. Янги массивларда янгича дунёқарашга эга авлод камолга етади.

Эътиборли томони бундай ислоҳотлар туманнинг барча олис, яқин қишлоқларида ҳам амалга оширилмоқда. Бугун фақатгина ушбу массив эмас, бутун Олот янгиланишлар оғушида. Уларнинг тилида шукроналик, дилида ишонч, ҳаракатида эса қатъиятни кўриш мумкин. Бошланган эзгу ишлар эса барча олотликларни яратувчанликка, бунёдкорликка даъват этмоқда.

